



Андижон туман ҳокимлиги томонидан Янги андижон массивига тайёр бетон М200 маркали 200 м³ сement, Бетонлаш учун 200 дона 4/15x15 металл сетка, Бетон остига ва устига тўшаш учун 800 метр узунликдаги 0,5 ммлик плёнка, 270 м³ шебень, 450 м³ шагал.

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Андижон туман – 2025 йил

Танлов хужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йўрикнома

П. Техник кисм

Ш. Нархлар кисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИКНОМА

1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАИ

1.1.Танлов предмети: Андижон туман ҳокимлиги томонидан Янги андижон массивига күёш панел сотиб олиш, ўрнатиш учун.

1.2.Махсулот бўйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник кисмида илова килинган.Ушбу танлов якуплари бўйича ғолиб чиккан бажарувчи такикшот билан шартнома тузилади.

1.3.Ишларни бажариш муддати: ғолиб бўлган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуксон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

1.4.Ишларни бошлаш муддати — аванс маблағи Ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Андижон туман ҳокимлиги (бундан кейин-”Буюртмачи” деб аталади) — танлов ташкилотчиси хисобланади.

”Буюртмачи” манзили .• Андижон туман Куйган-ёр шахарчаси Олийгоҳ кучаси

2.2.Танлов ”Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3.Танлов Андижон туман ҳокимлиги ”Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танлов мулкчилик шаклидан катый назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишига ихтисослашган, юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар кўйилади:

танлов предмети ишлар(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; объектнинг мураккаблик даражасига караб, "лицензия" ва "гувохнома".684-Конун 13-моддатига риоя этилиши шарт

- Моддий-техника базаси хамда ташкилотнинг оргтехника рўйхати ускуналар
- Бахтсиз ходисалар бўлган вазиятларда ишчи ходимларнинг хаёти суғурталанганилиги
- Техника хафсизлиги коидаларига риоя килиш талаблари хамда йўрикномалари
- Ишчи ходимларнинг диплом нусхалари, меҳнат дафтарчалари ёки mehnat.uz сайти оркали рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги жужжат
- Бажарилган ишларга бериладиган кафолат муддати
- Шу соҳада олдин килинган ишлари бўйича буюртмачилар берган тавсифномалари

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) бажариш билан боғлик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

кайта ташкил этилиш(ажралиши, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; молмулки мусодара килинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. Танлов хужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:

Техник кисм, "Буюртмачи" томонидан куйилган техник талабларни ва бажариладиганиш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

Нархлар кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошка боғлик кўрсаткичлар кўрсатилен бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва муҳри билан тасдикланган холда ёки хар бир вароғини муҳрлаб тасдиклаган холда тақдим этишлари лозим.

Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова килиниши лозим.

4.3. Танлов иштирокчиси:

факат битги таклиф бериши мумкин; тақдим этилаётган хужжатларнинг хакикийлиги ва маълумотларнинг хакконийлигига тўлик жавобгар бўлади; таклифлар бериш муддати тугагунга кадар ўз таклифларини кайтариб олиш ёки ўзгартириш қиритиш хукукига эга.

5.ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1 .Харид комиссияси танлов учун таклифларни кабул килиш муддатини барча иштирокчилар учун таълукли холда эълон килинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фактат харид комиссияси йиғилиши карори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш туғрисидаги карор махсус ахборот порталыда жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари туғрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича конунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган карор кабул килиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирочи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан Ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШКА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига Ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин карор кабул қилишгаа хакли. Товарни (ишни, хизматни) Узгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига Узгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот Узгартирилган бўлса, танлов Утказиш тўғрисидаги эълонга Узгартириш киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга хами. сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини Узгартираслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чикиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кўчирма у имзолаган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталыда эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси такливларни кўриб чикиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни татим этиш тўғрисида сўров юборишга хакли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.